O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
V.№

Куч—адолатда

# Адолат

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган · 1998 йил, 10 июль, № 27 (170) · Жума кунлари чиқади · Сотувда эркин нархда

## ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

❖ Халқнинг бирлиги, жипслиги, тинч-тотувлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

***

❖ Ҳаёт тажрибасидан яхши биламизки, жамият ва тузум ўзини ўзи ҳимоя эта олмас экан, ички сиёсатда ҳам яхши натижага эришиб бўлмайди.

***

❖ Ўзбекистон учун, бугунги ва келажак авлод учун энг катта бойлик — элнинг тинчлиги ва осойишталиги.

***

❖ Давлат ўз фуқароларини муҳофаза қилишга қодир бўлсагина давлат бўлади.

***

❖ Келажагимизни, давлатимиз, юртимиз, унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёмон кўзлардан асраш ишига ўзимизни бахшида этайлик.

***

❖ Ҳозир бир куни — бир ойга, бир ойи — бир йилга тенг тарихий даврни бошдан кечираяпмиз. Кечаги ўлчовлар бугунга тўғри келмайди.

# АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ВОРИСЛАР БЎЛАЙЛИК

***8 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Самарқанд аэропортида давлатимиз раҳбарини вилоят ҳокими А. Мардиев кутиб олиб, вилоят ғаллакорларининг дон топшириш бўйича давлат буюртмасини бажарганлиги тўғрисидаги ғалаба рапортини юртбошимизга топширди.***

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари яқинда Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳам бўлиб, жойларда ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишган. Кўплаб учрашувларда бу борадаги мавжуд камчилик ва муаммоларга эътиборни қаратган эди. Йўлбошчимизнинг Самарқанд вилоятига сафари ҳам ана шундай мулоқотларга бой бўлди.

Мамлакатимизда буюк ҳадисшунос Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлашга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Юбилейнинг асосий тантаналари аллома абадий қўним топган Челак туманидаги Хартанг қишлоғида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан бу ерда улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи айнан ана шу жойдан бошлангани ҳам бежиз эмас. Зеро, тарихий меросга муносабат, аждодлар хотираси, умуман, маънавият масаласи юртбошимизнинг доимий диққат эътиборида. Ислом Каримов қурилиш ишлари билан танишиб, мутахассисларга зарур кўрсатмалар берди. Жумладан, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш, сув таъминоти тармоқларини ривожлантириш, барча ишда қадимий меъморлик анъаналарига таяниш лозимлигини айтди.

— Биз бу ерда миллий шакл ва миллий мазмунга эга биноларни қуришимиз керак, — деб таъкидлади жумладан Президент. — Замонавий қурилиш материаллари билан бирга ота-боболаримиз усулидан фойдаланиб, миллий қурилиш материалларини ҳам қўллашимиз зарур. Умуман, барча иншоотларга қадимийлик руҳини сингдириш лозим.

Йўлбошчимиз Имом Бухорий қабри устида бунёд этилаётган мақбарани кўздан кечирди. Мақбарани қуришда Шарқ мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, ўлкамиздаги буюк бобокалонларимиз зиёратгоҳлари андозасига таяниш, асосийси, аллома қабрини зиёрат қилувчиларга қулайлик яратиш зарурлигини уқтирди.

Одамлар бу ерга нима учун келишини унутмайлик, — деди Ислом Каримов. — Барча қилаётган ишларимиз Имом Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мақбарани бунёд этишда сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳунармандлар Мирумар Асадов, Миржамол Асадов ва бошқалар билан суҳбатлашиб, уларга миннатдорлик билдирди.

— Бундай муқаддас қадамжода ўз маҳоратини намойиш этиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бизга бу ишлар насиб қилганининг ўзи катта бахт, — деди йўлбошчимиз.

Президент мажмуа доирасидаги масжид қурилишда ортиқча ҳашмат ва безакларга берилмаслик, одамлар бу ерга ибодат учун келишларини эсдан чиқармаслик кераклигини айтди. Бутун мажмуанинг кўрки бўлиб турган қадимий чинорларни асраш, уларнинг соясида ҳовуз барпо этиб, зиёратчилар учун дам олиш жойига айлантириш зарурлигини қайд этди. Ёдгорлик мажмуи инсонлар руҳий озуқа оладиган маскан бўлиши муҳимлигини таъкидлади.

Айни пайтда Ислом Каримов муқаддас ҳаж сафарига отланган ҳар бир ватандошимиз, аввало юртимиздаги бу муқаддас ерни зиёрат қилиши мақсадга мувофиқлигини айтди. Ҳажга боришдан олдин одам ўзини англаши керак, деди йўлбошчимиз. Ўзини англаш эса шундай табаррук жойлардан бошланади.

Шундан сунг, йўлбошчимиз вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар билан танишиш мақсадида бир қатор хўжаликларда бўлди.

Челак туманидаги «Маниобод» жамоа хўжалигининг 2-бригадаси пахта даласини кўздан кечириб, бригадир Носир Назаров, агроном Бобур Отамуродов билан суҳбатлашди. Хўжаликда экилаётган «Фарғона-3» навининг хусусиятлари, ғўза ривожи, гектар бошига экилган туп сони, тупроқ шароити, суғориш ишлари ва бошқа агротехник тадбирлар қандай ўтказилаётгани билан қизиқди. Ўзбекистондаги ерларни кучли, ўрта ва заиф ерларга ажратаман, деди Ислом Каримов. Заиф ерлардан юқори ҳосил олиш учун ўғит бериш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳар қайси хўжалик ўзига мос пахта навини танлаб олиш, ҳар бир туман экилаётган пахта навларини такомиллаштириши устида иш олиб бориши зарур. Шу ернинг ўзида Президент Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлди.



— Иқтисодий ислоҳотлар шу заминда яшаётган одамларнинг фаровон ҳаёти учун, озод ва обод ватан қуриш учун амалга оширилмоқда, — деди жумладан давлатимиз раҳбари. — Лекин инсон бу ислоҳотларнинг мақсадини тушуниши учун унинг онги, дунёқараши, маънавияти шунга мос бўлиши керак. Ислоҳотларнинг негизига етиб бориш учун эса миллий қадриятларимиз асосида комил инсонни тарбиялашимиз лозим. Шу сабабли биз маънавиятга кўпроқ эътибор бериб, уни иқтисодий ислоҳотлар билан тенг қўйяпмиз, баъзида эса устун ҳисоблаяпмиз. Зеро, маънавият моддий ҳаётдан юқоридир. Маънавиятни юксалтириш учун ўзлигимизни англаш, бунинг учун эса тарихимизни билишимиз зарур, деди Президент. Мана шундай обидаларни тиклаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Агар биз Имом Бухорийдек буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлишни истасак, улар меросидан баҳраманд бўлишимиз, уни асраб-авайлашимиз шарт.

Жомбой туманидаги, «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги ижарачиси Олим Тоғаев, хўжалик раиси Барот Нодиров Президент Ислом Каримовга жамоа далаларида экилаётган «Улуғбек-600» буғдой нави хусусида сўзлаб беришди. Жумладан, бу навли ғалланинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 75 центнерни ташкил этмоқда. У маҳаллий иқлим шароитига жуда мос. Давлатимиз раҳбари ижарачи ва хўжалик ўртасидаги шартнома қандай бажарилаётгани ҳақида сўраб, ҳар икала томон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши зарурлигини таъкидлади. Хўжалик эришаётган ютуқларни, тўпланган тажрибани бутун республикага ёйиш, хусусан, матбуотда кенг юритиш лозимлигини кўрсатиб ўтди. Мақсадимиз республика бўйича ўртача 35—40 центнердан ғалла ҳосили олишдир, деди Ислом Каримов, шунга эришсак, нафақат ўзимизни дон билан таъминлаймиз, балки четга ҳам сотамиз.

Тайлоқ туманидаги «Улуғбек» жамоа хўжалиги далаларида ҳам бир неча йиллардан буён айнан шу нав экиб келинмоқда. Мамлакатимиз раҳбари билан суҳбат чоғида хўжалик ижарачиси Клара Шарипова бу йил ҳар гектар ердан ўртача 65 центнердан ҳосил кўтармоқчи, мавсум якунига кўра, 2 миллион 700 минг сўм даромад олмоқчи эканлигини айтди. Ислом Каримов «Улуғбек-600» навининг афзалликларини ўрганиш, келгуси мавсумда кенгроқ миқёсда синаб кўриш, мамлакатимизнинг қайси минтақаларида ундан фойдаланиш мумкинлигини белгилаш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, у маҳаллий заминда, деҳқонларимиз қўли билан яратилган нав.

Президент Ислом Каримов шу тумандаги «Элита» Ўзбекистон — Ирландия қўшма корхонасининг тажриба даласини кўздан кечирди. Буғдой ва арпанинг янги навларини етиштиришга ихтисослашган бу корхона тажриба майдонларида бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келтирилган мингга яқин нав синалмоқда. Уларни маҳаллий навлар билан чатиштириб, иқлим ва тупроқ шароитимизга мос, ҳосилдорлиги юқори сара уруғлик олинмоқда. «Улуғбек-600» навининг уруғи ҳам хўжаликларга ана шу корхона томонидан етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхона мутахассисларининг илмий тадқиқотларини янги босқичга кўтариш, жойларда бу борада олиб борилаётган ўзбошимчаликларга чек қўйиш зарурлигини алоҳида қайд этди. Дон мустақиллигига эришиш учун уруғчилик масаласини давлат миқёсига кўтариш, жойларда четдан келтирилган шубҳали навларнинг экилишига барҳам бериш лозимлигини таъкидлади. Корхона ходимларининг илтимосига кўра, Ислом Каримов бир неча йиллик изланишлар натижасида етиштирилган янги навни «Ўзбекистон-1» деб номлади.

Шу куни Президент Ислом Каримов вилоят ҳокимлигида Самарқанд шаҳрини қуриш бош лойиҳаси билан танишди. Йўлбошчимиз Самарқанд Республикамизнинг сайёҳлик марказларидан бири эканлигини инобатга олиб, барча қурилиш ва ободонлаштириш ишларини шаҳарнинг туризм соҳасидаги имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ҳолда амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади. Бу борада Самарқанднинг тарихий ҳудудида Регистон, Гўри Амир мақбаралари ва Амир Темур ҳайкали ўртасида ягона сайёҳлик мажмуини яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Шўро даврида бу бебаҳо тарихий ёдгорликларни камситиш мақсадида, уларнинг атрофига спирт заводига ўхшаган ҳар хил бинолар қуриб ташланган, деди Ислом Каримов. Биз ана шу хатони тузатиб, Самарқанднинг ҳақиқий тарихий кўркини тикламоғимиз керак. Умуман олганда, туризм дегани фақат обидаларни томоша қилиш эмас, балки шу билан бирга кўнгилли дам олиш ҳамдир.

Давлатимиз раҳбари шаҳардаги қурилиш ишларини айнан шу йўналишда олиб бориш юзасидан вилоят ва шаҳар раҳбарларига, мутахассисларга тегишли тавсиялар берди. Жумладан, Бибихоним ва Регистонни боғловчи пиёдалар йўли барпо этиб, уни сайёҳларга юқори савиядаги сервис хизмати кўрсатадиган жойга айлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини уқтирди.

Президент Ислом Каримовнинг Самарқанд вилоятига сафарида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиев, Президентнинг матбуот котиби Азамат Зиёев ҳамроҳлик қилди.

**Беҳзод УСМОН,**
**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**(ЎзА) мухбирлари.**

**СУРАТДА: мамлакатимиз раҳбари Самарқанд шаҳри қурилишининг янги бош лойиҳасини кўздан кечирмоқда.**

## Internet
### ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

❖ **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан Сербиянинг Косово можаросидан жиддий хавотирга тушаётганини маълум қилди. Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида берган баёнотига кўра, Косово муаммоси Европанинг бошқа давлатларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.**

❖ Африкадаги Ангола давлатида ҳукумат қўшинлари билан мухолифатдаги «Унита» гуруҳи жангарилари ўртасида қуролли тўқнашувлар содир бўлмоқда. Тўқнашувлар «Унита» жангарилари томонидан 14 нафар полициячи ўлдирилганидан кейин бошланиб кетди.

❖ **Россиянинг Кемерово ўлкасида кўмир randчиларининг иш ташлаши давом этмоқда. Улар Россия Бош вазирининг ўринбосари О. Сисоев билан учрашганларидан кейингина магистрални очиб юборишларини маълум қилганлар. Ўз навбатида, Бош вазир ўринбосари кўмирчилар магистрални очиб юборганларидан кейингина улар билан музокара олиб боришини айтди.**

❖ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарияти Россияда тобора авж олиб бораётган молиявий танглик Шарқий ва Марказий Европа давлатлари молиясига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин деб огоҳлантирди.

❖ **Туркия Бош вазири Месут Йилмаз Македонияга сафари чоғида йўл ҳалокатига учради. Македония пойтахти Скоплега олиб борувчи йўлда Туркия расмий делагацияси автомобиль карвонига икки нафар македониялик ўтирган енгил автомашина урилиб кетган. Оқибатда македонияликлар ҳалок бўлишган, Туркия томонидан эса бир вазир яраланган. Бош вазир Месут Йилмаз ҳеч қандай тан жароҳати олмаган.**

❖ Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Шимолий Ирландиядаги протестантлар вакиллари билан учрашди. Тони Блэр ольстерликлар томонидан ўтказилган намойишлар ва бу намойишларнинг мақсади ҳақида фикр алмашди. Буюк Британия Бош вазирининг баёнот беришича, Ольстерда тинчлик ўрнатиш йўлидаги намойишлар ҳеч қандай наф бермайди.

*Партия ахбороти*

## ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Мажлисга партия Сиёсий Кенгашининг котиби Равшан Ҳайдаров раислик қилди.

Пленумда партия Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов «Партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва сафларини кенгайтириш ҳақида» маъруза қилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ўз аризаларига мувофиқ Турғун Мадиёров, Ҳасан Алиев, Лазиза Акбаровалар Тошкент вилоят партия Кенгашининг котиблари вазифаларидан озод этилдилар.

Тошкент вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби этиб вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Турғун Иргашев, иккинчи котиби этиб шу қўмитанинг масъул ходими Маҳмуд Мўйдинов сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Тўхтамурод Жўраев иштирок этди ва сўзга чиқди.

# ҚЎЙ ОҒЗИДАН ЧЎП ОЛГАН... ЧЎПОНЛАР

***Республикамизда халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, дастурхонини тўкин қилиш борасида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Дарҳақиқат, халқи тўқ юртнинг ўзи мустаҳкам бўлиши шубҳасиз. Азалдан маълумки, халқимизнинг тўқлиги асосан деҳқончилигу чорвачилик билан боғлиқ. Аммо...***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 февралдаги 246-сонли қарорига асосан синов (эксперимент) сифатида Учқудуқ ва Томди туманлари чорвачиликка мослашган, хусусан, қоракўлчиликка ихтисослашган жамоа хўжаликлари ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди ва барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Давлат томонидан ҳар бир бош қўйга 90 сўмдан ёрдам пули (дотация) ҳам ажратилди. Бундай эътибор, албатта, чорвадорларни сидқидилдан, виждонан чорвачилик соҳасини ривожлантириш йўлида меҳнат қилишга, янги зафарларга руҳлантириши керак. Бироқ барча ҳиссадорлик жамиятларида ҳам чорва молларини сақлаш, уларнинг туёғини кўпайтириш, ем-хашак билан таъминлаш борасида қонунларга етарли даражада амал қилинаяпти деб бўлмайди. Буни эса, ўз ўрнида, баъзи чорвачилик мутасаддилари томонидан рағбатга яраша раҳмат бўлмаяпти деб изоҳлаш ўринлидир. Жумладан, туманлараро прокуратура томонидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда тумандаги «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасига қарашли «Айтим» ҳиссадорлик жамиятида қонун талаблари қўпол равишда бузилиб, чорва моллари талон-тарож қилиниб ўзлаштирилганлиги аниқланди. Шунингдек, чўпонларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашлари оқибатида молларнинг йўқолиб, ўлишигача йўл қўйилган. Энг ачинарлиси, ҳиссадорлик жамиятидаги раҳбарларнинг, аниқроғи, «тўра»ларнинг ўз вазифаларини фақат ўтирган жойида буйруқ беришдангина иборат деб ўйлаб, чўпонлар олдига бориб уларнинг шарт-шароитини вақтида ўрганмаганлиги, чўпонлар қўйларни боқиши, сақлаши, ем-хашак билан таъминлашини назорат қилмаганлиги натижасида кўп миқдорда камомадларга йўл қўйилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

*Хўжасизлик — ислоҳотга ёт!*

Халқимизда «Нафсга эрк берилиб, иймон дарз кетган жойдан баракат кетади» деган нақл бор. Текшириш олиб борилган ҳиссадорлик жамиятларидаги чўпонларнинг нафслари ҳакалак отиши шу даражага бориб етганки, ўз қарамоқларидаги чорва моллари кўпчиликнинг ҳақи эканлигини унутиб, худди ўзининг шахсий мулкидек ҳисоблаб бемалол талон-тарож қилиб, хоҳлаган одамига тортиқ қилаверишгача бориб етишган. Бош чўпон Т. Жоргенбоев ўзига ишониб топширилган қўйлардан 10 бошини сўйиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатган. 182 бош қўйлар эса мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлганлиги сабабли йўқолиб, ўлиб кетишигача йўл қўйган. Бош чўпон Б. Жарилкасинов ҳам юқоридаги ҳамкасбига «мен сендан қоламанми?»— дебми ёки «қўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис» қабилида иш тутганми, у ҳам ўзига ишониб топширилган қўйларни ўз хоҳишича талон-тарож қилаверган. 12 бош қўйини ўз акаси Абилхан Жарилкасиновга, 20 бош қўйини хотинининг акаси Молдабек Кушекбоевга ином қилиб, 5 бош қўйини ўз эҳтиёжига ишлатган, 15 бош қўй эса йўқолган.

Шу ўринда ҳақли равишда бир савол туғилади: мабодо шу қўйлар шахсан ўзининг мулки бўлганида қариндош- уруғига шунчалик хотамтойлик қилиб тарқатармиди? Йўқ, албатта. «Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр» деб шунга айтишса керакда. Бош чўпон К. Бекжоновнинг иши эса юқоридагиларникидан ҳам ошиб тушди. У ўзига ишониб топширилган «Айтим» ҳиссадорлик жамиятига қарашли қўйлардан 56 бошини, илгари ўзи ишлаган «Набиточка» ҳиссадорлик жамиятидан бўлган шахсий қарзи ҳисобига бериб юборган, 12 бош қўйининг эса ўз нафс ўпқонига урган. 102 бош қўй бедарак йўқолишига йўл қўйган.

Бош чўпон Е. Қулбоев ҳам 26 бош қўйини ўзининг шахсий эҳтиёжига ишлатиб, 58 бош қўйининг йўқолиб, ўлишига сабабчи бўлган.

Юқоридаги чўпонларни нафсининг ҳакалак отишига, виждону иймонини йўқотишига, хотамтойлиги-ю, талон-тарожлигига бош сабабчи бўлган, худди шу ҳолатларга шароит яратиб қўйиб, лоқайдларча томошабин бўлган ҳиссадорлик жамиятлари раислари У. Алипбоев ва К. Алибатировлар жиноий жавобгарликка тортилиб, суд ҳукми билан жазоландилар.

Қўй оғзидан чўп олган нафси ўпқон чўпонлар Т. Жоренбоев, Б. Жарилкасинов, К. Бекжонов ва Б. Қулбоевлар ҳам жиноий жавобгарликка тортилиб, суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар. Дастлабки тергов даврида улардан ҳиссадорлик жамиятига етказилган моддий зарар 505 бош қўй тўлиқ ундирилди.

Хуллас, кўпнинг ҳақи тешиб чиқди. Олмоқнинг бермоғи бор-да!

Текшириш жараёнида аниқланган қонун бузилишларни, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасининг раиси номига тақдимнома киритилиб, меҳнат жамоасига етказилди.

Келгусида юқорида мисол қилиб келтирилганидек талон-тарожлик, чорва туёғининг йўқолишига лоқайдлик билан қарамаслик чора тадбирлари белгиланди.

**О. СУЛТОНОВ,**
**Навоий вилояти Учқудуқ туманлараро прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос.**

*«Адолат»га жавоб берадилар*

# «БУ КОММУНИСТИК МАФКУРА ҚОЛДИҒИ ЭМАСМИ?»

*(«Адолат» газетаси, 1998 йил, 8 май, № 18).*

***Мазкур сарлавҳа остида берилган танқидий мақолада Қорақалпоғистон Республикасининг айрим шаҳар ва туманларида эскидан қолган номларнинг сақланиб келаётганлиги қаламга олинган эди. Унга яқинда қуйидаги жавоб олинди.***

«Адолат» газетасида эълон қилинган «Бу коммунистик мафкура қолдиғи эмасми?» сарлавҳали танқидий мақола Қорақалпоғистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлисида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Газетада қайд қилинган Тўрткўл ва Мўйноқ шаҳридаги кўчаларнинг номлари шу шаҳар ҳокимиятлари билан биргаликда чуқур таҳлил қилинди.

Тўрткўл шаҳри бўйича, ҳақиқатдан ҳам, санаб ўтилган 36 кўчадан 24 таси (Авиационный, академик Королев, Береговой, Гагарин, Герцен, Добролюбов, Комаров, Ломоносов, маршал Жуков, Малышев, Некрасов, Островский, Олимпия, Пушкин, Пархоменко, Почтовая, Рабочий, Семашко, Тихая, Терешкова, Л. Толстой, Чайковский, Чехов, Заводская) ушбу номлар билан аталмоқда. Бу кўчалар номларини ўзгартириш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга фашизмга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатган тўрткўллик Бернадский, биринчи механизатор Игликов, Қорақалпоғистон пойтахти Тўрткўл шаҳри бўлиб турганида фидокорлик кўрсатган, қўриқ ерларга сув етказган А. Лачугин каби инсонлар Қорақалпоғистон Республикасининг, жумладан, Тўрткўл шаҳрининг тарихида яхши ном қолдириб, шу заминга катта ҳалол меҳнат қилган фуқаролардир.

Газетада тилга олинган Киров, Дмитров, Крошилов, Пархоменко номлари 1996 йилда ўзгартирилган.

Мақолада кўрсатиб ўтилган И. Панкратов, Школин, Кузьма, Измалаковский, Свобода атамаларидаги кўчалар Тўрткўл шаҳрида бўлган эмас.

Мўйноқ шаҳри бўйича санаб ўтилган 10 та кўчадан 9 тасининг атамалари, яъни «40 лет Октября», Володарская, «50 лет ВЛКСМ» ва Фрунзе кўчаларининг атамаси 1997 йил 8 августда; К. Маркс, Советская ва «30 лет ВЛКСМ» кўчалари 1998 йил 18 мартда; Калинин ва Дзержинский кўчалари 1997 йил 19 мартда бошқа атамаларга ўзгартирилган.

Мўйноқ шаҳрида мақолада кўрсатилган Коммунизм кўчаси бўлган эмас.

Мақолада кўтарилган иккинчи муаммо— бир хил атамаларнинг кўплаб қайталаниши бўйича топонимик комиссияси томонидан хулосалар чиқарилиб, тегишли тадбирлар белгиланди.

**Темур КАМОЛОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси.**

